

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 5 ноябрь, № 214 (6397) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


INTERNATIONAL INVESTMENT FORUM

*Аввал хабар қилганимиздек, 5-6 ноябрь кунлари пойтахтимизда Халқаро инвестициявий форум бўлиб ўтади. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган мазкур анжуман иштирокчилари 4 ноябрь куни Хоразм ва Фарғона вилоятларида бўлиб, ҳудудларнинг саноат салоҳияти, сармоявий жозибадорлиги, чет эллик инвесторлар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.*

## ҲУДУДЛАРНИНГ САНОАТ САЛОҲИЯТИ ВА ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МУҲИТ

чет эллик сармоядорларнинг иқтисодиётимизга бўлган қизиқиши янада ошишида муҳим ўрин тутмоқда

Нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, хорижий инвестиция компаниялари, жамғармалар, агентликлар, йирик трансмиллий компаниялар вакиллари жойлардаги илғор ишлаб чиқариш объектлари мисолида Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланаётганига гувоҳ бўлиб, ҳамкорликда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ниятида эканлигини мамнуният билан изҳор қилдилар. Зотан, форумдан кўзланган асосий мақсад ҳам корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш жараёнини янада жадаллаштириш, ички ҳамда ташқи бозорда рақобатдош бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий этиш, шунингдек, хусусийлаштириш давлат дастурига киритилган субъектларга стратегик инвесторларни жалб қилишдан иборатдир.

Шу ўринда айтиш жоизки, инвестициялар барқарор ривожланаётган, инвесторларнинг ҳуқуқлари кафолатланган, қисқача айтганда, инвестициявий жозибадор мамлакатгагина йўналтирилади. Буларнинг барчаси Ўзбекистонимизда муҳайё қилинган бўлиб, бу истиқлол йилларида қулай инвестициявий муҳитни шакллантириш мақсадида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасидир, албатта.

Қувонарлиси, хорижий сармоялар мамлакатимизнинг марказий ҳудудларидан ташқари, олис минтақаларига ҳам йўналтирилаяпти. Чунки юртимизнинг барча ҳудудида чет эллик сармоядорларнинг халқаро ҳуқуқ нормаларига мос келадиган қулай шарт-шароит мавжуд. Шундай минтақалардан бири **Хоразм вилояти**дир. Қадимий, тадбиркору ҳунармандлари билан ном қозонган мазкур ҳудудга хорижликларнинг қизиқиши тобора ортаётганининг боиси ана шунда.

Гап шундаки, Президентимизнинг 2012 йил 22 ноябрдаги "2013 — 2015 йилларда Хоразм вилояти саноати салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори истиқболли лойиҳаларни ҳамкорликда рўёбга чиқаришда янги уфқларни очиб берди. Ушбу ҳужжатга кўра, умумий қиймати 462 миллион АҚШ долларилик 253 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган бўлса, ўтган давр ичида 277 та лойиҳа ҳаётга татбиқ қилинди. Натижада гидравлик экскаваторлар, бульдозерлар, "Дамас" ва "Орландо" русумли енгил машиналар, маиший газ баллонлари, музлаткич ва совутқичлар, автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар ҳамда бутловчи буюмлар, полиэтилен қувурлар, спорт инвентарлари сингари импорт ўрнини босувчи ва янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Халқаро конференция иштирокчилари учун вилоятдаги инвестиция киритиш таклиф этилаётган корхоналар фаолияти билан танишиш асносида саноат тармоқларида кейинги йилларда кузатилаётган шу каби ўзгаришларни кўздан кечириш имконияти яратилди. Дастлаб меҳмонлар Урганч шаҳридаги "Урганч ёғ-мой" акциядорлик жамиятида бўлдилар.

— Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг бир жиҳати эътиборимни тортди, — дейди **Испаниянинг "Flores Valles" компанияси минтақавий менежери Виллиам Музи**. — Яъни маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга мўлжалланган лойиҳаларга устувор аҳамият берилар экан. Бу пухта ўйланган ва тўғри йўлдир.

**(Давоми 2-бетда).**

Испания матбуоти:

## «Тошкентда бўлиб ўтадиган нуфузли анжуман янги имкониятлар эшигини очиб беради»

*Жорий йилнинг 5-6 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Халқаро инвестициявий форум арафасида Испаниянинг "Sercobe" саноат ускуналари ишлаб чиқарувчилари уюшмаси веб-саҳифасида мазкур тадбирга бағишланган мақола эълон қилинди.*

Унда таъкидланишича, ушбу нуфузли анжуман давомида хорижлик меҳмонлар юртимизнинг давлат хусусийлаштириш дастурига киритилган етакчи корхоналари фаолияти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўладилар. Шунингдек, йирик хорижий сармоядорлар мамлакатимизда бизнес юритиш бўйича ўз тажрибалари билан ўртоқлашадилар.

Қайд этилишича, мазкур форум Ўзбекистоннинг тез суръатлар билан ўсиб бораётган иқтисодиёти учун янги имкониятлар эшигини очиб беради.

Ўз навбатида, Испаниянинг энг йирик нашрларидан бири — "Intereconomia" веб-порталида юртимиз сармоявий салоҳиятига бағишланган материал эълон қилинди.

Унда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар миллий иқтисодиётга хорижий капиталнни жалб этиш кўрсаткичлари ўсишига замин яратаётгани алоҳида таъкидланган. "Ўзбекистондаги ишбилармонлик муҳити жаҳон ҳамжамияти томонидан юқори баҳоланаяпти. Чет эллик ҳамкорлар иштирокида ташқи бозор талабларига жавоб берадиган ва рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи юқори технологияли корхоналарни ташкил қилиш бўйича кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда", дейилади мақолада.

Қолаверса, унда республикамиздаги сиёсий ҳамда макроиқтисодий барқарорлик, энергия мустақиллиги, қулай жуғрофий жойлашув ва йирик бозорларга яқинлик Ўзбекистоннинг сармоявий жозибадорлигини ташкил этувчи асосий омиллар сифатида санаб ўтилган. Сўнгги омил ҳақида сўз юритгани ҳолда, Испания нашри юртимизда тараққий этган транспорт инфратузилмаси мавжудлиги туфайли Ғарбий ҳамда Шарқий Осиё ва Европанинг йирик ҳамда тез суръатларда ривожланаётган бозорларига чиқиш имкониятига эга эканлигини эътироф этади.

Ўзбекистон, шунингдек, ўзининг салоҳиятли кадрлари, ишончли банк тизими, махсус индустриал зоналарида яратилган кўплаб имтиёз ва афзалликлари билан хорижлик инвесторларни ўзига жалб қилмоқда, дея ёзилади мазкур интернет порталида.

**«Жаҳон» АА.**
Мадрид

# ФАРОВОН ТУРМУШ, БАХТЛИ ҲАЁТ, СОҒЛОМ АВЛОД

Юртимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ана шу эзгу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.




***"Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга".***

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддаси.



ҒАМХЎРЛИК

**М**устақиллик неъмати улкан ниятлар ва юксак орзуларни рўёбга чиқарди, Ватан равнақи йўлида хизмат қилиш, фарзандлар камоли учун ғамхўрлик кўрсатиш, кексаларни эъзозлашдек эзгу амалларни бизга ҳамроҳ этди, ҳеч кимдан кам бўлмаган жамиятни барпо қилиш саодатига етказди.

Бинобарин, ривожланишнинг ўзимизга хос ва мос йўли — "ўзбек модели" асосида барча соҳада, жумладан, тиббиёт тизимида кенг кўламли ислоҳотлар босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилаяпти. Бунинг натижасида бирламчи тиббий санитария ёрдамини кўрсатувчи қишлоқ врачлик пунктлари, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларидан тортиб, юқори технологияли тиббий хизматлар кўрсатувчи республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларигача — барча даражаларни қамраб олган аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг яхлит ва мукаммал ташкилий тузилмаси яратилди. Шунингдек, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимидаги илмий мактаблар негизида 10 та республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий маркази ташкил этилиб, улар хирургия, урология, кардиология, кўз микрохирургияси, акушерлик ва гинекология, педиатрия, терапия ва тиббий реабилитация, дерматология ва венерология, фтизиатрия ва пульмонология, эндокринология каби йўналишларда фаолият кўрсатмоқда.

**(Давоми 4-бетда).**

*Республикамизда сўнгги ўн йилда ривожланишида туғма нуқсонлари бўлган болалар сони 1,3 баробар камайди. 6 — 15 ёшли ўғил-қизлар орасида ўткир юқумли касалликлар билан оғриш 34,4 фоиз, пневмонияга чалиниш 49,7 фоиз, бронхит билан хасталаниш 32,8 ва сколиоз билан касалланиш 32,7 фоиз камайди.*

## Иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларнинг молиявий асоси

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталарида Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил учун давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳар томонлама кўриб чиқилди. Уларда депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.*

**ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ**

Хусусан, **Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси** йиғилишида истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб ижтимоий соҳани замон талаблари асосида ислоҳ этиш ва ривожлантириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айлангани алоҳида таъкидланди.

Унда мамлакатимизда кейинги йилларда ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсиши таъминланаётганига алоҳида урғу берилди. Депутатлар ижтимоий соҳани молиялаштириш учун 2016 йилда Давлат бюджетидан умумий харажатларнинг 59,2 фоизи миқдорида маблағ ажратилишига эътибор қаратиб, айни пайтда дунё иқтисодиётида танглик кучайган, бюджет харажатларини қисқартириш чоралари кўрилаётган бир шароитда юртимизда ижтимоий соҳа ислоҳотлари изчил давом эттирилаётгани, энг ривожланган давлатлардагидан кам бўлмаган шарт-шароитлар яратилаётганлигини айтиб ўтдилар.

**(Давоми 2-бетда).**

## ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ТАЖРИБА АЛМАШДИ

Тошкентда МДҲга аъзо давлатлар темир йўл транспорти бўйича Кенгашининг 63-мажлиси бошланди.

МДҲга аъзо давлатларнинг темир йўл транспорти бўйича Кенгаши ва унинг ижроия органи — Кенгаш дирекцияси Ҳамдўстлик давлатлари ўртасида барқарор иқтисодий алоқаларни таъминлаш мақсадида 1992 йил 14 февралда МДҲга аъзо давлатлар ҳукумат раҳбарларининг келишувига биноан ташкил этилган.

Кенгаш темир йўлларнинг эксплуатация фаолияти, юк ташиш вагонлари ва контейнерларидан биргаликда фойдаланиш, йўловчи ва юк ташиш шартлари, халқаро йўналишларда поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, бажарилган ишлар ва хизматларни ҳисобга олиш ҳамда бунинг учун ўзаро ҳисоб-китоб тизимини ишлаб чиқиш, илмий-техник ҳамкорлик каби масалаларни кўриб чиқади ва ҳал этади.

63-мажлисни МДҲга аъзо давлатлар темир йўл транспорти бўйича Кенгаши раиси О. Белозеров очди.

Мажлисда ҳамкорликни янада ривожлантириш ва Ҳамдўстликка аъзо давлатлар темир йўл транспорти бўйича Кенгашининг аввалги мажлислари доирасида эришилган келишувлар қандай амалга оширилаётганига оид масалалар муҳокама этилди ҳамда шу йилнинг 9 ойи давомида бажарилган ишлар сарҳисоб қилинди.

Ўтган даврда Ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг пўлат излари орқали 1,4 миллиард тонна юк ташилгани ва бу қабул қилинган мажбуриятлардан 15 фоиз кўп экани таъкидланди.

**(Давоми 2-бетда).**

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 4 ноябрь куни Ўзбекистон — Германия ва Германия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгашларининг навбатдаги қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ ИШБИЛАРМОНЛАРИ УЧРАШУВИ

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, банк-молия, машинасозлик, нефть-газ, қурилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги, юқори технологиялар, енгил саноат, тўқимачилик, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш, фармацевтика, божхона, суғурта ва экспорт-импорт каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон — Германия ишбилармонлар кенгаши раиси Рустам Азимов, «Claas» компанияси бошқаруви аъзоси, Германия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши раиси Ян Хендрик Мор ва бошқалар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳада изчил ривожланиб бораётгани, ушбу анжуман савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни янада фаоллаштиришга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Германия Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидаги муҳим ҳамкорларидан. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга. Савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳаларда давлатларимиз ўртасида икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш, капитал киритишга кўмаклашиш ва ўзаро ҳимоя қилиш ҳамда савдо-иқтисодий ҳамкорликка оид битимлар имзоланган. Савдо бўйича энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган.

Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2014 йилда қарийб 685 миллион долларни ташкил этган. Ўзбекистонда Германия сармояси иштирокида савдо, енгил саноат, тиббиёт, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, автомобилсозлик, транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳаларига ихтисослаштирилган 110 дан ортиқ корхона фаолият кўрсатмоқда. Юртимизда ушбу мамлакатнинг 40 га яқин етакчи фирма ва компанияси ўз ваколатхонасини очган. Иқтисодиётнинг турли тармоқларида Германия банклари иштирокида йирик сармоявий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жорий йилда таъсис этилган ишбилармонлар кенгашлари мамлакатларимиз ўртасидаги серқирра ҳамкорликни изчил ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда. Шу йил 25 февралда Берлинда мазкур кенгашларнинг биринчи қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Пойтахтимизда ўтган навбатдаги мажлисда Германия ишбилармонларига мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти, инвестиция жалб қилишнинг истиқболли йўналишлари, хусусий мулк ҳимояси ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш кафолатлари тўғрисида маълумот берилди.

**(Давоми 2-бетда).**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**2015 йилнинг тўққиз ойида мамлакатимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми**

**7,3 фоиз ўсди.**

Ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилиш, юқори технологияли ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топширишни тезлаштириш, шунингдек, ҳудудлар саноат салоҳиятини юксалтириш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўрилгани натижасида соҳада ана шундай юқори кўрсаткичга эришилди.

# ҲУДУДЛАРНИНГ САНОАТ САЛОҲИЯТИ ВА ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МУҲИТ

## чет эллик сармоядорларнинг иқтисодиётимизга бўлган қизиқиши янада ошишида муҳим ўрин тутмоқда



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хоразмда фаолият юритаётган корхоналар билан яқиндан танишгач, юртингизда бошқа соҳалар қаторида озиқ-овқат саноати жадал ривожланаётганига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Бунинг аҳамияти шундаки, биз, аввало, форумга янги ҳамкорлар топиш, инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишдек аниқ мақсадлар билан келганмиз. Хусусан, саноат тармоқларида қўлланиладиган замонавий лаборатория жиҳозлари, озиқ-овқат саноати соҳасида фойдаланиладиган илғор технологик линияларни ишлаб чиқариш ва бундай маҳсулотларни етказиб бериш бўйича яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ниятидамиз. “Урганч ёғ-мой” корхонаси, ўйлайманки, ҳамкорларимиз сафидан жой эгаллайди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, “Урганч ёғ-мой” акциядорлик жамияти мамлакатимиз ёғ-мой саноати тизимидаги йирик ишлаб чиқариш субъектларидан бири ҳисобланади. Бу ерда бир кеча-кундузда 800 тонна чигитни қайта ишлаш орқали 135 тонна ёғ, 50 тонна хўжалик совуни ва бошқа маҳсулотлар тайёрланади. Уларнинг сифати юқорилиги боис ташқи бозорда ҳам харидоргир. Жамоа аҳли буни ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш мақсадида истиқболли инвестициявий лойиҳаларни изчил амалга ошираяпти. Айтайлик, 2011 йилда 4,5 миллион АҚШ долларилик, 2014 йилда бир миллион АҚШ долларилик лойиҳалар рўёбга чиқарилган бўлса, жорий йилда Ҳиндистоннинг “Muez-Hest” компанияси билан ҳамкорликда яна бир йирик лойиҳа жорий этилаяпти. Умумий қиймати 4 миллион АҚШ долларилик мазкур лойиҳа туфайли саноат учун муҳим хом ашё — дистилланган глицерин тайёрлаш йўлга қўйилади.

Чет эллик инвесторлар учун тақдим қилинаётган имтиёзлар, айтиш мумкинки, янги ҳамкорлар топиш, уларнинг сармояси иштирокида илғор ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, мавжудларини замон талабларига мос равишда техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш лойиҳаларини муваффақиятли амалга оширишда қўл келаяпти. 2008 — 2014 йилларда вилоят иқтисодиётига 4,3 триллион сўмлик инвестициялар жалб қилингани, 157,1 миллион долларлик хорижий инвестициялар ўзлаштирилгани бунга мисол бўла олади.

Жорий йилнинг 9 ойида эса вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида 337 миллиард сўмлик бир минг 258 та лойиҳа амалга оширилди. Пировардида мингдан ортиқ янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, соҳага тижорат банклари томонидан 390,2 миллиард сўмлик кредит йўналтирилди.

Хорижлик меҳмонлар ташриф буюрган “Урганч экскаватор” акциядорлик жамияти ҳамда унинг қошидаги “UzXCMG” Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси юртимизда чет эллик инвесторларга яратиб берилган қулай шарт-шароитларнинг амалий тасдиғидир. Уларда шу йилнинг ўзида 135 та экскаватор ва 62 та бульдозер ишлаб чиқарилгани қувонарли.

— Ўзбекистонда қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётгани иқтисодий ютуқларнинг асосий омили бўлаётганига амин бўлдим, — дейди **АҚШнинг “CitiBank” банки вакили Жэсон Зулло**. — Бу, табиийки, хорижлик инвесторларнинг назаридан четда қолмаяпти. Ушбу форумга кўплаб мамлакатлардан, нуфузли халқаро ташкилотлар ва компаниялардан вакиллар ташриф буюргани уларнинг Ўзбекистонда ўз бизнесини йўлга қўйиш, мавжуд ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш ниятида эканидан далолатдир. Биз ҳам юртингиз билан иқтисодиётнинг турли соҳаларида ўрнатилган алоқаларни янада мустаҳкамлаш, истиқболли лойиҳаларни молиялаштиришдан манфаатдормиз.

Меҳмонлар давлатимиз раҳбари томонидан 2015 йилнинг 28 апрелида имзоланган “Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан, икки йил давомида вилоятда хусусийлаштириш кўзда тутилган корхона ва объектлар ҳақида батафсил маълумот олдилар. Шундан сўнг амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари билан танишдилар ҳамда Хива шаҳрининг Ичан-қалъа мажмуасини зиёрат қилдилар.

* * *

Юқорида қайд этилганидек, Халқаро инвестициявий форум иштирокчилари **Фарғона вилоятида** ҳам бўлиб, ҳудуднинг сармоявий жозибадорлигига юқори баҳо бердилар. Бу бежиз эмас. Биргина жорий йилнинг 9 ойида бу ерда ялпи ҳудудий маҳсулот 6,6 фоиз, шу жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 11,4, чакана товар айланмаси 14,6, қурилиш-пудрат ишлари 11,6, хизмат кўрсатиш 17,4, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш 6,8 фоиз ўсди. Саноат соҳасини ривожлантириш ҳамда корхоналарни модернизация ва диверсификация қилиш, янги қувватларни фойдаланишга топшириш ишлари изчил амалга оширилди. Пировардида ўтган даврда умумий қиймати 150,7 миллиард сўмлик 541 лойиҳа рўёбга чиқарилди. Айниқса, Маҳаллийлаштириш дастури асосида рақобатдош, импорт ўрнини босувчи, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми кўпайгани диққатга сазовор. Вилоятдаги 21 саноат корхонасида 29 лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиб, улар томонидан 36,5 миллиард сўмлик маҳсулотлар тайёрлангани, 208 минг АҚШ долларилик маҳсулот эса экспорт қилингани бунинг тасдиғидир.

Шу билан бирга, тадбиркорликни янада ривожлантириш учун берилаётган имтиёз ҳамда енгилликлар шарофати туфайли жойларда бир минг 767 та кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, соҳага тижорат банклари томонидан 670 миллиард сўмликдан ортиқ кредитлар ажратилди. Яна бир эътиборли жиҳати, жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятда хорижий инвестиция иштирокида 12 та қўшма корхона очилди.

Ўз навбатида, вилоят маркази қиёфаси ҳам йилдан-йилга ўзгариб, тобора кўркамлашиб бормоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 15 ноябрдаги “Фарғона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, 2012 — 2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал бўлаяпти.

Меҳмонлар сафар давомида “Фарғонаазот” акциядорлик жамиятига ташриф буюрдилар. Мазкур корхона бир йилда 450 минг тонна аммиак селитраси, 60 минг тонна азотли фосфор ўғити, 65 минг тонна натрий хлорид ишлаб чиқариш қувватига эга. Хом ашёнинг 85 фоизи эса маҳаллий ресурслар ҳисобланади.

Таъкидлаш кераки, корхонада юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда Франция, Чехия, Голландия каби давлатлардан келтирилиб ўрнатилган илғор техника ҳамда технологиялар қўл келаяпти. Айни пайтда жамият аҳли учта йирик лойиҳа устида иш олиб бормоқда. 2015 — 2020 йилларга мўлжалланган ушбу лойиҳалар ниҳоясига етказилгач, улар нафақат мазкур жамият, балки вилоятнинг инвестициявий имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилади. Гап шундаки, 2015 — 2017 йиллар мобайнида карбамид ва аммиак селитраси тайёрлаш цехларида умумий қиймати 30,48 миллион АҚШ долларилик реконструкция ҳамда модернизация тадбирлари амалга оширилади. 2016 — 2020 йилларда эса маънан эскирган технологияларни замонавийларига алмаштириш учун 67 миллион доллар йўналтирилади. Бундан ташқари, янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида 2020 йилгача 10 миллион доллар сарфланади.

— Ўзбекистон — иқтисодиёти барқарор ривожланиб бораётган мамлакат, — дейди **Ҳиндистоннинг “Key fee Exports” компанияси ижрочи директори Чоудхуари Сингх**. — Айтиш жоизки, бу Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиёт стратегияси ижросининг самарасидир.

Компаниямиз фаолиятига тўхталсак, биз импорт-экспорт операциялари билан шуғулланамиз. Шунинг учун ушбу форумда иштирок этиш, юртингизнинг сармоявий салоҳиятидан батафсил бохабар бўлиш биз учун жуда фойдали. Ана шу эзгу мақсадда Фарғона вилоятида фаолият юритаётган корхоналарни бориб кўрдик. Иқтисодиётнинг реал сектори, жумладан, кимё, озиқ-овқат, қурилиш саноати ушбу ҳудудда жадал равнақ топаётган экан. Масалан, “Фарғонаазот” ОАЖ фаолияти, мазкур жамоанинг истиқболга мўлжалланган режалари менда катта қизиқиш уйғотди. Фикримча, ушбу корхона билан ҳамкорлик қилсак, ҳар икки томон ҳам манфаатдор бўлади. Шундан келиб чиқиб, ҳозирча 12 минг тонна карбамид сотиб олишга қарор қилдик. Форум давомида эса яна кўплаб ана шундай самарали келишувларга эришишимиз, шубҳасиз.

Хорижлик меҳмонлар “Фарғона ёғ-мой” акциядорлик жамияти фаолияти билан ҳам яқиндан танишдилар. Маълумки, мазкур корхона республикамиз ёғ-мой саноатида ўз ўрнига эга. Бу ерда Германия, Польша, Хитой каби давлатларнинг илғор технологик ускуналари ўрнатилган бўлиб, йилига 126 минг тонна техник чигит қайта ишланади. Ундан олинган ўсимлик ёғининг бир неча тури, хўжалик совуни, майонез ва бошқа маҳсулотлар эса сифат жиҳатидан жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб беради. Жамият раҳбариятининг айтишича, жорий йилда 1,3 миллиард сўм соф фойда кўриш кутилаяпти. Айни чоғда маҳсулот ҳажмини янада кўпайтириш, сифатини ошириш, таннархини пасайтириш мақсадида 10,8 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш кўзда тутилмоқда.

Халқаро анжуман иштирокчилари вилоятдаги инвестиция киритиш таклиф этилаётган яна бир корхона — “Кварц” акциядорлик жамиятида ҳам меҳмон бўлдилар. Бу ерда 2 миллиметрдан 12 миллиметр қалинликкача бўлган ойналар, шиша идишлар, автомобиль ойналари ишлаб чиқарилмоқда.

— Ўзбекистонни тинчлик ва фаровонлик мустаҳкам қарор топган мамлакат сифатида яхши биламиз, — дейди **Жанубий Кореянинг “KCC Corporation” компанияси менежери Эндрю Ким**. — Бундай ютуқларни қўлга киритишда, аввало, Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг “ўзбек модели” асосида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар муҳим омил бўлаяпти.

Фарғона вилоятига ташрифимиз чоғида бир нечта корхона фаолияти билан танишдик. Уларнинг ҳаммаси замонавий моддий-техника базасига эга. Шунинг учун маҳсулотлари ҳам сифатли.

Сафар давомида, шунингдек, юртингизда хорижлик инвесторлар учун яратилган қулайликлар ҳақида сўзлаб беришди. Энди ўзингиз айтинг, шундай мамлакатда фаолият юритишни қайси инвестор хоҳламайди, дейсиз?!

Меҳмонлар “Қўқон механика заводи” акциядорлик жамиятига ҳам ташриф буюриб, бу ерда ишлаб чиқариш, модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш тадбирлари изчил рўёбга чиқарилаётганига гувоҳ бўлдилар. Хусусан, корхонада хориж технологиялари ёрдамида тайёрланаётган нефть-газ соҳаси учун бутловчи қисмлар, муқобил иситиш қозонлари, юқори босимга чидамли газ сиғимлари, газ баллонлари уларда катта таассурот қолдирди. Негаки, бундай технологияларнинг аксарияти нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиёда ҳам ягонадир.



— Ўзбекистондек бетакрор, иқтисодиёти эса барқарор ривожланаётган юртда меҳмон бўлганимдан жуда бахтиёрман, — дейди **Голландиянинг “ESN” компанияси эксперти Мартин Стайс**. — Сабаби, мамлакатингизда сармоявий жозибадорлик мавжудлиги хорижлик ишбилармонларни ўзига мафтун этмоқда. Энергетика соҳаси мутахассиси бўлганим учун “Қўқон механика заводи” АЖ фаолияти билан танишиб, ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳар икки томонга ҳам самара келтиришига ишонч ҳосил қилдим. Шу хусусдаги таклифларимни тайёрлаб, компаниямиз раҳбариятига жўнатмоқчиман. Йирик форум асносида эса мамлакатингизнинг бошқа корхоналари билан ҳам алоқа ўрнатиш — пировард мақсадим.

Мухтасар айтганда, мамлакатимиздаги қулай инвестициявий муҳит, тадбиркорлар учун яратилаётган кенг имкониятлар хорижий ҳамкорларнинг эътирофига сазовор бўлиб, ўз фаолиятини Ўзбекистон билан боғлашга руҳлантирмоқда. Бу эса келгусида янги-янги қувватларни ишга тушириш орқали иқтисодиётимизни янада ривожлантириш, ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ошириш, экспорт имкониятларини кенгайтириш имконини бериши, шубҳасиздир.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ (суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жумладан, 2016 йилда соғлиқни сақлаш харажатларига йўналтириладиган маблағлар жорий йилдагига нисбатан оширилаётгани мазкур тизимни ислоҳ этиш ва аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш юзасидан қабул қилинган дастурлар доирасида барча тадбирлар молиялаштирилишини таъминлаш имконини беради.

**Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси** йиғилишида 2016 йилда олиб бориладиган солиқ сиёсати ўтган йиллардаги каби хўжалик юритувчи субъектлар, аҳоли учун солиқ юкини пасайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш, солиқ маъмурчилиги чораларини кучайтириш орқали хўжалик юритувчи субъектлар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва меҳнатни рағбатлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

# Иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларнинг молиявий асоси

Шу билан бирга, келгуси йилга мўлжалланган солиқ сиёсатининг амалга оширилиши жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг иккинчи поғонаси бўйича солиқ ставкасини 8,5 фоиздан 7,5 фоизгача пасайтириш, ўрта даражадаги даромадга эга бўлган тўловчилар учун солиқ юкини 6,2 фоиздан 5,5 фоизгача камайтириш имконини бериши айтиб ўтилди.

Ўз навбатида, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирма ҳамда кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси камайтирилиши ушбу жабҳани ривожлантириш Дастурини тўлақонли амалга оширишда муҳим роль ўйнайди.

— Мамлакатимизнинг барча ҳудудида уй-жойлар қуриш суръати ва кўлами тобора кенгаймоқда, — дейди **қўмита аъзоси С. Исмоилов**. — Хусусан, Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибда уй-жойлар қуриш бўйича мақсадли Давлат дастурига асосан, жорий йилда 12 мингта тураржой бунёд этилиши кўзда тутилган бўлса, 2016 йилда Давлат бюджети ҳисобидан 13 мингта хонадонни барпо қилиш режалаштирилган.

**Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси** йиғилишида Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси билан фан, таълим, маданият ва спорт, мусиқа ва санъат йўналишлари, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳаларида аниқ йўналтирилган стратегия ҳаётга татбиқ этилаётгани эътироф этилди.

Келгуси йилда бу соҳадаги харажатларнинг ўсиши соҳа тараққиётига берилаётган эътиборнинг яна бир ифодасидир.

— 2016 йилда Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ҳисобидан таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш, қайта тиклаш ва жиҳозлаш мақсадлари учун йўналтириладиган маблағ ҳам жорий йилдагига нисбатан оширилиши режалаштирилмоқда, — дейди **Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси А. Абдуқодиров**. — Бу 28 та мактаб қуриш, 339 та умумтаълим мактабини реконструкция қилиш ҳамда мукаммал таъмирлаш, уларни мебель, ўқув-лаборатория ускуналари ва спорт жиҳозлари билан таъминлаш имконини беради.

2016 йилнинг прогноз кўрсаткичларида академик лицейлар ҳамда тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш, касб-ҳунар коллежларининг ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарини илғор дастгоҳлар, инглиз тили фани хоналарини замонавий мультимедиа жиҳозлари билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

**Аграр ва сув хўжалиги масалалари ҳамда Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмиталари**нинг йиғилишларида таъкидланганидек, 2016 йилда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини такомиллаштириш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар, мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб шакллантирилган.

**Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси И. Носиров**нинг айтишича, иқтисодиётга йўналтирилган харажатларнинг асосий қисми Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг сув хўжалиги объектларини сақлаш харажатлари бўлиб, бу ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,0 фоизни ташкил этади ёки жорий йилдагига нисбатан 1,16 баравар кўп демакдир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини техник, технологик янгилаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тежамкор агротехнологияларни татбиқ қилиш, қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ва қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар натижасида мазкур соҳада, жумладан, деҳқончилик ҳамда чорвачилик тармоқларида барқарор ўсиш суръатлари сақланмоқда.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари учун ҳам жорий йилдагидан кўпроқ маблағ йўналтириш режалаштирилаяпти. Пировардида 282,0 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга эришилади. Бу ҳосилдорлик ўсиши ва фермер хўжаликлари даромадлари ошишига имкон беради.

— Ўз навбатида, Давлат бюджетининг 2016 йилда республикамиз туман, шаҳарларини ободонлаштириш харажатлари ҳажми, қишлоқ жойлардаги йўлларни мукаммал ҳамда жорий таъмирлаш харажатларини инобатга олган ҳолда, маблағ йўналтирилиши мўлжалланган, — дейди **Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзоси С. Самойлов**. — Бу эса шаҳар ва қишлоқларда ободонлаштириш ишлари самарадорлигини янада оширишга қаратилган кўплаб лойиҳалар ижросини таъминлашга кўмаклашади. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш имконияти ҳам кенгаяди.

Йиғилишларда муҳокама этилган масалалар юзасидан қўмиталар қарорлари қабул қилинди.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ ИШБИЛАРМОНЛАРИ УЧРАШУВИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Меҳмонлар «Навоий», «Жиззах» ва «Ангрен» индустриал зоналаридаги қулайлик ҳамда имтиёзлар, машинасозлик, енгил саноат, фармацевтика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги каби соҳалардаги имкониятлар билан танишдилар.

— Бизнинг оилавий компания озиқ-овқат саноати, хусусан, мева-сабзавотни қайта ишлаш учун замонавий техника ва ускуналар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган, — дейди Германиянинг «Kronen» компанияси бошқарувчи директори Штефан Цильгит. — Ўзбекистонга ўз маҳсулотларимизни таклиф этгани ҳамда сармоя киритгани келдик. Ушбу мажлис ва Халқаро инвестициявий форум доирасида Ўзбекистон компаниялари билан самарали музокара ўтказиш ҳамда мамлакатингиз ишбилармонлари билан икки томонлама манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришни мақсад қилганмиз.

Анжуманда Германиянинг қатор йирик компаниялари вакиллари иштирок этгани ушбу мамлакатнинг Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиши катта эканидан далолатдир. Германиянинг «Claas», «Deutsche Kabel», «Knauf», «MAN», «Lemken», «Siemens», «Commerzbank» каби компаниялари ва молиявий муассасалари вакиллари Ўзбекистон бозоридаги ўз фаолиятини янада кенгайтириш ниятида эканини қайд этди.

Мажлисда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий, сармоявий ва технологик ҳамкорликни, жумладан, савдо, сармоя, банк сектори, саноат, транспорт ҳамда транспорт коммуникациялари, дори-дармон, енгил саноат, тўқимачилик каби қатор соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Ўзбекистон ва Германия ишбилармонлари ўртасидаги ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, биргаликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга келишиб олинди.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ТАЖРИБА АЛМАШДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бундан ташқари, ташишлар ўртача масофаси 3,5 фоиз ошгани қайд этилди. Ҳисобот даврида темир йўл маъмуриятлари юкларни ташишда ўзаро ёрдам кўрсатиш ишларини давом эттирди ва мазкур ёрдам ҳажми 3,9 минг вагонни ташкил қилди. Ўтган вақт мобайнида контейнерларда 20 миллион тонна юк ташилди ва бу қабул қилинган мажбуриятлардан 6,1 фоиз кўпдир. 2015 йилнинг тўққиз ойида халқаро йўналишларда хизмат кўрсатилган йўловчилар сони 14,8 миллион кишини ташкил этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси темир йўлларининг ҳисобот давридаги фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раиси О. Раматов анжуман иштирокчиларига Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз темир йўллари тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, соҳа корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳақида сўзлаб берди.

Ўзбекистон темир йўллари юқори технологияларга асосланган замонавий транспорт тизими бўлиб, бугунги кунда уларнинг узунлиги 6 минг километрдан зиёдни ташкил этади. Шу боис мамлакатимиз Евроосиё транспорт маконида темир йўл орқали ташишни ташкил этиш ва транзит юкларни ташишда халқаро транспорт коридорлари имкониятларидан самарали фойдаланишда муҳим ўрин тутмоқда.

Бундай салмоқли ютуқларга Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида транспорт тизимини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган самарали сиёсат туфайли эришилмоқда. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти таркибидаги қатор йирик саноат корхоналари модернизация қилиниб, техник ва технологик жиҳатдан янгиланиб бораётгани натижасида мамлакатимиз бугун Марказий Осиёда темир йўл транспорти учун мукаммал қурилиш-таъмирлаш базасига эга ягона давлатга айланмоқда.

Масалан, 2013 йилда минтақамизда темир йўл транспорти учун қуйма маҳсулотлар ишлаб чиқаришда етакчи бўлган қуюв-механика заводида қиймати 150 миллион доллардан ортиқ модернизация ишлари бажарилиб, корхона Германия компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган технологик линиялар билан жиҳозланди. 2020 йилга бориб, корхонада йилига 1200 юк вагони ишлаб чиқариш, 1500 вагонни таъмирлаш режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводида замонавий йўловчи ташиш вагонларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Сўнгги йилларда бу ерда 120 янги вагон ишлаб чиқарилиб, 735 вагон модернизация қилинди. Бунинг самарасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган юк ва йўловчи ташиш вагонларидан МДҲ мамлакатлари темир йўлларида фойдаланилмоқда ва Ўзбекистоннинг темир йўл соҳасидаги технологик ютуқлари намойиш этилаётир.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти Ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг темир йўл транспорти бўйича Кенгаши қарорларини ҳаётга татбиқ этиб, бошқа давлатларнинг саноат, илмий ва эксплуатация корхоналари, кадрларни сифатли тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича ўқув марказлари билан яқин алоқаларни кенгайтирмоқда, МДҲ темир йўл транспорти маъмуриятлари билан ҳамкорликни мустаҳкамламоқда.

Туркманистон билан темир йўл соҳасида амалга оширилаётган самарали ишлар бунга ёрқин мисол бўла олади. Икки давлатнинг интеграциялашган пўлат излари нафақат Ўзбекистон ва Туркманистон, балки бошқа мамлакатлар учун ҳам транзит тизими сифатида хизмат қилаётир. Бундан ташқари, яқинда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ва Туркманистон темир йўл транспорти вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Беларусь темир йўллари бошлиғи В. Морозов машинасозликни ривожлантириш ва юқори тезликда ҳаракатланадиган поездлар қатновини ташкил этишда Ўзбекистон тажрибаси эътиборга молик эканини таъкидлади. Хусусан, унинг қайд этишича, “МДҲга аъзо давлатлар темир йўл транспорти бўйича Кенгаши навбатдаги мажлисининг Тошкентда ўтказилиши самарасида мамлакатингизнинг ушбу йўналишдаги ютуқларини ҳар томонлама ўрганиш имконияти пайдо бўлди”.

Тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Зокиров сўзга чиқди.

**М. МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Швейцариянинг “Breitling” компанияси янги моделдаги “ақлли” соатини тақдим этишга тайёрланмоқда.*




# «Ақлли» механизм

Унинг номи “Exospace” бўлиб, 16 декабрь куни Нью-Йоркда кенг оммага намойиш қилинади, дея ёзилади “WWD” нашрида.

Соат симсиз алоқа орқали смартфонга уланади ҳамда хронограф (бирор воқеанинг содир бўлган вақтини аниқ белгилаб ёзиб оладиган асбоб), гирокомпас ва қон босимини ўлчайдиган мослама вазифаларини ҳам бажаради.

Айтиш жоизки, ушбу компания 1884 йилдан буён фаолият юритиб келади.



# Иш ўринлари қисқартирилади

*Автомобиль шиналари ишлаб чиқариш бўйича дунёга машҳур “Michelin” компанияси (Франция) мамлакат ташқарисидаги филиалларида 1600 дан ортиқ иш ўрнини қисқартиришга қарор қилди.*

Ушбу жараён Италия, Германия ва Шимолий Ирландиядаги учта заводда амалга оширилади. Яқин уч йил ичида эса уларнинг фаолияти бутунлай тўхтатилади.

“Michelin” реструктуризация тадбирлари учун 280 миллион евро миқдорида маблағ йўналтиришни режалаштирган, дейилади “Euronews” телеканали хабарида. Ўз навбатида, қўшимча 265 миллион евро Буюк Британия ва Италиядаги корхоналари ҳамда логистика тармоқларини модернизация қилишга сарфланади.

# Нуқсонли ёстиқчалар учун жарима

*АҚШнинг транспорт вазирлиги Япониянинг хавфсизлик ёстиқчалари ишлаб чиқарувчи “Takata” компаниясидан 200 миллион доллар миқдорида жарима талаб қилмоқда.*

Бу ҳақда “Reuters” хабар тарқатди. Вазирлик мутахассисларининг таъкидлашича, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларда учраётган нуқсонлар кўнгилсиз ҳодисаларнинг юзага келишига сабаб бўлаяпти. Масалан, хавфсизлик ёстиқчалари автоҳалокат рўй берган вақтда тўғри очилмайди, айрим ҳолларда ёрилиб ҳам кетади. Оқибатда бундан ҳайдовчилар ва йўловчилар жиддий жароҳат олади. Ҳатто фожиа билан якунланган воқеалар ҳам кузатилган. Маълумотларга қараганда, ҳозиргача ана шундай носозлик туфайли етти киши ҳаётдан кўз юмган, юзга яқин одам жароҳатланган.






*От пойгаси бўйича “яшил қитъа”даги энг нуфузли турнир — Мельбурн кубоги тарихида биринчи бор аёл киши ғолиб бўлди.*

# Мусобақа тарихида биринчи марта

Беллашув аввалида аутсайдерлар қаторида тилга олинган австралиялик Мишель Пейн финиш чизиғига саноқли метрлар қолганида италиялик машҳур чавандоз Франки Деттордан ўзиб кетиб, муваффақият қозонди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

ЭЪЛОНЛАР

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
## Тошкент шаҳар филиали

***оферта музокаралари ўтказиш йўли билан ташкил этиладиган савдоларга таклиф қилади.***

Савдога Акциядорлик тижорат «Асака» банки Шайхонтоҳур филиалининг 2015 йил 2 ноябрдаги 06/3871-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 13/1-уйда жойлашган, ер майдони 1710 кв.м., умумий майдони 974 кв.м. бўлган 3 қаватли (ертўласи билан бирга) бино ва иншоот такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 2 650 789 943,24 сўм.***

Оферта савдоси 2015 йил 20 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 18 ноябрь куни соат 16.00.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2015 йил 20 ноябрь куни сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий савдолари 2015 йил 30 ноябрь ва 10, 21, 31 декабрь кунлари соат 11.00 да ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 30 ноябрдаги савдо учун — 27 ноябрь куни соат 16.00, 2015 йил 10 декабрдаги савдо учун — 7 декабрь куни соат 16.00, 2015 йил 21 декабрдаги савдо учун — 18 декабрь куни соат 16.00, 31 декабрдаги савдо учун — 29 декабрь куни соат 16.00.

**Ғолиб аниқланган кундан бошлаб қуйидагилар амалга оширилади:**

